


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMYIY KONFERENSIYA

YANGI O'ZBEKISTON: ILMYIY TADQIQOTLAR

CONFERENCES.UZ

2026

DAVRIYLIGI:
2018-2026



SPEKTROSKOPIYA -
MATERIYANI BILISH USULI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TALIM MUJASSASALARI PROFESSOR-O'QUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.CONFERENCES.UZ



YANVAR
№84



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР 2-
ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ЧАСТЬ-2**

**NEW UZBEKISTAN:
SCIENTIFIC
RESEARCH PART-2**

ТОШКЕНТ-2026



УЎК 323(575.1)(063)

КБК 66.3(5Ў)я43

И-18

DOI 10.5281/zenodo.11390854

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: Илмий тадқиқотлар» [Тошкент; 2026]

«Янги Ўзбекистон: Илмий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 84-қўп тармоқли илмий маърифий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2026 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2026. – 173 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегияси — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ: — илмий изланиш ютуқларини амалий-тажриби жиҳат йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талабалар-иштирокчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилиб бориб, унда таълим тизимида илғор замонавий ёндашувлар, натижалар, муаммолар, ечимлар, статистик вазиятлар ва илмий-тараққиётнинг истиқболли режалари таҳлил қилинади конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонови, ю.ф.д., доцент

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар –

Исмаилов Хусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни -

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви -

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Беш муҳим ташаббус" маркази раҳбари)

6. Журналистика -

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар –



Самигова Умида Хамидуллаевна (“Kinder land of Asia” НТМ ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари)

8. Адабиёт-

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодийта инновацияларнинг тутган ўрни -

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, таржимонлик факультети, инглиз тили амалий таржимаси кафедраси в.б.доценти, PhD)

11. Жисмоний тарбия ва спорт-

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Мусиқа ва ҳаёт-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари -

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар –

Зупарова Зулфия Ахрор қизи DSc (Тошкент тиббиёт академияси фармакология кафедраси доценти, фармацевтика фанлари доктори)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содикович DSc (Альфраганус университети, фармацевтика ва кимё кафедраси мудири, фармацевтика ва кимё фанлар доктори, профессор)

20. Ветеринария

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

21. Кимё фанлари ютуқлари -

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоний вилояти табиий фанлар методисти)

22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -

Ўўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)



23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Хамидович "ТИИМСХ"

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -

Phd доцент Қахҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География- Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

Page maker/Верстка/Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакцији журнала.

www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail:
info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of

www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail:
info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



SURUNKALI KARDIORENAL SINDROM MAVJUD BEMORLARDA RENIN-ANGIOTENZIN VA KALLIKREIN-KININ TIZIMLARI ORASIDAGI UZVIYLIKNI BAHOLASH

**Gadayev A.G.
Rahimova M.E.
Muzaffarov J.Sh.**

*Toshkent davlat tibbiyot universiteti,
Alfraganus University,*

ANNOTATSIYA: Surunkali kardioresnal sindrom (KRS II-tipi) yurak va buyrak o'rtasidagi murakkab patofiziologik o'zaro ta'sir natijasida rivojlanadigan klinik holat bo'lib, yurak faoliyatining surunkali yetishmovchiligi fonida buyrak funksiyasining progressiv susayishi bilan xarakterlanadi [1,2]. So'nggi yillarda KRS rivojlanish mexanizmlarida neyrohumoral tizimlarning, ayniqsa renin-angiotenzin-aldosteron tizimi (RAAT) va kallikrein-kinin tizimi (KKT)ning roli alohida e'tibor qozonmoqda.

RAAT fiziologik sharoitda arterial bosimni, suv-elektrolit muvozanatini va perfuziyani saqlashda muhim ahamiyatga ega bo'lsa-da, uning surunkali faollashuvi angiotenzin II va aldosteron darajasining oshishiga olib kelib, yurak va buyrak to'qimalarida fibroz, gipoperfuziya va endotelial disfunktsiyani kuchaytiradi [3]. KKT esa bradikinin orqali tomirlarni kengaytiruvchi, yallig'lanishga qarshi va mikrotsirkulyatsiyani yaxshilovchi ta'sir ko'rsatadi [4]. Ushbu ikki tizim o'rtasidagi uzviy muvozanat buzilganda KRSning kechishi og'irlashadi va kasallik prognozi yomonlashadi [5].

Yuqorida keltirilgan holatlar mazkur tadqiqotni o'tkazishga asos bo'ldi.

KALIT SO'ZLAR: kardioresnal sindrom, renin-angiotenzin tizimi, kallikrein-kinin tizimi, angiotenzin II, bradikinin

TADQIQOT MAQSADI

Surunkali kardioresnal sindrom (II-tip) mavjud bemorlarda renin-angiotenzin va kallikrein-kinin tizimlari o'rtasidagi uzviylikni baholash hamda ularning yurak va buyrak funksional holatiga ta'sirini aniqlash.

MATERIAL VA USULLAR

Tadqiqotga KRS II-tipi tashxisi qo'yilgan 50 nafar bemor jalb etildi. Bemorlar kompleks klinik, laborator va instrumental tekshiruvlardan o'tkazildi. Qon zardobida angiotenzin II, aldosteron, kallikrein-1 (KLK1) va bradikinin darajalari immunoferment tahlil (IFA) usuli yordamida aniqlandi.

Yurak va buyrak funksional holati glomerulyar filtratsiya tezligi (KFR), yurak qisqarish fraksiyasi (YQF) va sistolik arterial bosim (SAB) ko'rsatkichlari asosida baholandi. Olingan natijalar statistik usullar yordamida tahlil qilinib, korrelyatsion bog'liqliklar aniqlandi.

TADQIQOT NATIJALARI



Tadqiqot natijalariga ko'ra, RAAT faolligi yuqori bo'lgan bemorlarda angiotenzin II ($126,7 \pm 15,8$ pg/ml) va aldosteron ($227,4 \pm 22,9$ pg/ml) darajalari sezilarli darajada oshgani aniqlandi. Ushbu guruhda KKT markerlari — KKK1 ($39,6 \pm 6,9$ ng/ml) va bradikinin ($17,4 \pm 3,2$ pg/ml) darajalari pasaygan bo'lib, bu holat buyrak perfuziyasining yomonlashuvi va KFRning pasayishi ($42,8 \pm 5,5$ ml/min) bilan kechdi.

KKT faolligi nisbatan saqlangan bemorlarda esa RAAT markerlari pastroq bo'lib, KKK1 ($57,2 \pm 7,1$ ng/ml) va bradikinin ($28,9 \pm 4,1$ pg/ml) darajalari yuqoriroq, KFR esa $63,4 \pm 4,7$ ml/min atrofida bo'ldi. Ushbu natijalar adabiyot ma'lumotlari bilan mos keladi va KKTning himoya mexanizmlaridagi rolini tasdiqlaydi [4,5].

Korrelyatsion tahlil angiotenzin II va KKK1 o'rtasida teskari bog'liqlik mavjudligini ko'rsatdi ($r = -0,58$; $p < 0,01$). Bradikinin darajasi bilan YQF va KFR o'rtasida ijobiy bog'liqlik aniqlanishi ($r = +0,63$) KKT faolligi yurak va buyrak funksiyalarini saqlashda muhim ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatdi [2,3].

XULOSALAR

1. Surunkali kardiorenal sindromli bemorlarda renin-angiotenzin va kallikrein-kinin tizimlari o'rtasidagi uzviy muvozanatning buzilishi kasallik og'irligining asosiy patofiziologik mexanizmlaridan biri hisoblanadi.
2. RAATning surunkali faollashuvi va KKTning susayishi yurak va buyrak funksiyalarining progressiv pasayishiga olib keladi.
3. RAATni bostiruvchi va KKTni faollashtiruvchi terapevtik yondashuvlar KRSli bemorlarda davolash samaradorligini oshirish uchun istiqbolli yo'nalish hisoblanadi.

ADABIYOTLAR

1. Ronco C., Haapio M., House A.A., Anavekar N., Bellomo R. Cardiorenal syndrome. // *J Am Coll Cardiol*. 2008;52(19):1527–1539.
2. Rangaswami J., Bhalla V., Blair J.E.A., et al. Cardiorenal syndrome. // *Circulation*. 2019;139(16):e840–e878.
3. Ferrario C.M., Strawn W.B. Role of RAAS in cardiovascular disease. // *Am J Cardiol*. 2006;98:121–128.
4. Campbell D.J. The kallikrein-kinin system. // *Clin Exp Pharmacol Physiol*. 2001;28:1060–1065.
5. Silverstein D.M. Inflammation and RAAS in CKD. // *Semin Nephrol*. 2009;29:178–185.



Азимов Сарвар Улугбекович, Обидов Миржамол Олимжон угли

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ ПРИ ХИРУРГИЧЕСКОМ ЛЕЧЕНИИ СОДРУЖЕСТВЕННОГО КОСОГЛАЗИЯ У ДЕТЕЙ НА ОСНОВЕ ЛАБОРАТОРНЫХ МАРКЕРОВ ВОСПАЛЕНИЯ.....121

Азимов С.У., Арипов А.Н.

РАННЕЕ ПРОГНОЗИРОВАНИЕ И СОВРЕМЕННЫЙ МАЛОИНВАЗИВНЫЙ ПОДХОД К ХИРУРГИЧЕСКОМУ ЛЕЧЕНИЮ КОСОГЛАЗИЯ У ДЕТЕЙ..124

Қодирова Рохилахон Рахмонжоновна

ДИНАМИЧЕСКОЕ УЛЬТРАЗВУКОВОЕ НАБЛЮДЕНИЕ ЗА УЗЛОВЫМИ ОБРАЗОВАНИЯМИ ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ: КРИТЕРИИ ПРОГРЕССИРОВАНИЯ.....127

Муйдинов Жавлонбек Иброхимович

КОРОНАР ТОМИРЛАР АТЕРОСКЛЕРОЗИДА СТЕНТЛАШ АМАЛИЁТИНИ БАЖАРИШНИНГ МОРФОЛОГИК ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....130

Муйдинов Жавлонбек Иброхимович

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИКЛАРИДА КОРОНАР ТОМИРЛАРНИ СТЕНТЛАШ АМАЛИЁТИДАН КЕЙИН ЮЗАГА КЕЛАДИГАН АСОРАТЛАРНИ КЛИНИК ПАТОМОРФОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....134

Обидов Миржамол Олимжон угли, Хайдаров Камбарали имомалиевич

АНЕСТЕЗИЯ СЕВОФЛУРАНОМ ПРИ МСКТ С АНГИОГРАФИЕЙ У ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННЫМИ ПОРОКАМИ СЕРДЦА.....138

Хайдаров Камбарали имомалиевич, Обидов Миржамол Олимжон угли

ЛАБОРАТОРНЫЕ МАРКЕРЫ ИММУНОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ АНЕСТЕЗИИ У ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННЫМИ ПОРОКАМИ СЕРДЦА.....140

Gadayev A.G., Rahimova M.E, Muzaffarov J.Sh

SURUNKALI KARDIORENAL SINDROM MAVJUD BEMORLARDA RENIN-ANGIOTENZIN VA KALLIKREIN-KININ TIZIMLARI ORASIDAGI UZVIYLIKNI VAHOLASH.....143

КИМЁ ФАНЛАРИ ЮТУҚЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР



**”ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР”
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 84-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

(2-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳих: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Эълон қилиш муддати: 31.01.2026